

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

КУКОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Ҳозирги имло муаммолари.
(муаммоли маорузalar матни)



Тузувчи:

Эргашова М.
Абдухамидова Х.

Институт ўқув-услубий кенгаши нашрга тавсия этган.
(2003 йил 19 ноябр III йиғилиш баённомаси)

1 – мавзу: Ҳозирги имло муаммолари фанининг мақсад ва вазифалари.

Режа:

1. Тил билан ёзувнинг ўзаро муносабати.
2. Янги ўзбек алифбосига ўтишнинг зарурати.
3. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосининг бошқа алифболардан фарқи.
4. Хулоса.

Тил билан ёзув чамбарчас боғлиқ, лекин мустақил ҳодисалардир. Инсон пайдо бўлгандан бери тил мавжуд, аммо ёзув кишилик жамияти тараққиётининг сўнги босқичларида юзага келган. Ижтимоий ҳодиса сифатида тил табиий йўсинда пайдо бўлиб, ўз тараққиёт қонунлари билан ривожланади. Тил кишиларга ўзоқ даврлар ёлғиз ўзи хизмат қилган, ёзув эса кишиларнинг онгли аралашуви билан маълум зарурият туфайли кейинчалик ўйлаб топилган. Фикр-маълумотни ўзоқ масофага эҳтиёж сақланди.

Ёзувнинг ўзгаришини тилнинг ўзгариши, деб қарамаслик керак. Тил ўзича, ёзув ҳам ўзича ўзгаради. Тилни дарахтга ўхшатсак, ёзув унинг сояси дейиш мумкин. Дарахтнинг ўсиши ер, сув, ҳаво, қуёш каби омилларга боғлиқ, соянинг бўлиши эса қуёшга ва соя бериши мумкин бўлган нарсанинг борлиғига боғлиқ. Дарахт соя бериши учун қуёш нури дарахтга тушиб туриши шарт. Тил билан ёзувнинг муносабатини шунга ўхшатиш мумкин. Ёзувнинг тилга бириктирилиши маълум даражада шартли. Айни бир тилга турли даврларда бошқа-бошқа ёзувнинг хизмат қилгани бунинг энг ишончли далилидир. Масалан, қадимги туркий тил ўз ёзувига эга бўлган. Бу тилга мансуб ёдгорликлар бизгача бир неча ҳил алифбода етиб келган. Шу қадимги туркий тилнинг ворисларидан ҳисобланувчи ўзбек тилига кейинчалик уч алифбо хизмат қилган. Булар бир неча марта ислоҳ қилинган араб алифбоси, лотин алифбоси ва рус (кирилл) алифболаридир. Араб алифбоси асримизнинг 20-йиллари охиригача амал қилинди. Кейин қисқа муддат лотин алифбосидан фойдаландик, 1940-йилдан бошлаб рус (кирилл) алифбосига ўтказилди. 1993 йил 2 сентябрдан лотин алифбосига асосланган ўзбек алифбосига ўтилди. Жуда қисқа муддат — 20-25 йил оралиғида алифбо икки марта алмаштирилди, лекин бунинг натижасида ўзбек тилида сезиларли ўзгариш юз бергани йўқ. Нуксонли алифбогина тилнинг товуш жиҳатига жузъий таъсир қилиши мумкин. Агар алифбо тўғри тузилса, бундай жузъий таъсир ҳам бўлмайди.

Ҳар бир алифбо қайси тилга мансуб бўлса, шу тилдаги товушларни акс этиришга хизмат қилади: а ҳарфи лотин алифбосида ҳам, рус, ўзбек алифбосида ҳам бор. Бу ҳарф барчасида бўлгани билан ўзбек алифбосида ўзбек товушини рус алифбосида эса рус товушини билдиради.

"Рус алифбосини қабул қилиш билан ўзбек тили руслашиб кетди" деган фикрда асос йўқ. Агар шундай бўлса, унда ўзбек тили араб истилосидан бошлаб то лотин алифбосини олгунимизга етказиш, келгуси авлодга қолдириш зарурияти ёзувнинг пайдо бўлишига олиб келди. Кишилик жамиятининг ҳозирги тараққиёт босқичида ҳам радио, телевизор кашф

этилганига қарамай, ёзув ўз мавқеини йўқотмади, ёзувга қадар араблашиб кетган бўлиб чиқарди. Араблашиб ётган тилимиз лотин алифбосига ўтиш билан бирдан лотинлашиб кетаверадими? Бундай фикр ҳодисани саёз тушуниш оқибатидагина туғилиши мумкин. Асли бир тилнинг иккинчи тилга таъсири сўз олишда намоён бўлади. Бегона товуш олинма сўзлар таркибида келиб қолади, лекин бундай товуш кўпинча ўзгармайди, сўз олувчи тил эгалари бундай товушни ўз тилидаги товуш билан алмаштиради. Хуллас, бошқа тил таъсири алифбо туфайли эмас, балки биринчи галда сўз олиш туфайли воқе бўлади.

"Араб ёзувидан воз кечиш натижасида минг йиллик меросимиздан айрилдик" мазмунидаги гаплар ҳам айтилди. Бебаҳо меросимиз ўз жойида тўрибди, алифбо ўзгариши билан ҳеч ким уларни йўқ қилиб юборгани йўқ. Буюк бобокалонларимиз туркий тилда ижод қилганлар-у, лекин ўз ижодлари маҳсулини араб алифбоси билан ҳатга туширганлар. Биз бу бебаҳо меросимизни туркийгуй бобокалонларимиз туркий тилда яратганлари учун қадрлаймиз, араб алифбосида ёзганлари учун эмас, албатта. Маълумки, алломаларимиз ўз ижод маҳсулини араб, форс тилида ёзилгани билан эмас, балки ўз мазмуни билан, ўша давр илмининг юксак чўққиларини акс эттиргани билан қадрлидир.

Рус алифбосидан кечиш ҳақида гап бошлангандан кейин жамоатчиликка икки нуқтаи назар ҳавола қилинди.

- 1) рус алифбосини талаб даражасида ўзгаритириб сақлаб қолиш.
- 2) рус алифбосидан воз кечиш, аввалги алифбога қайтиш.

Кўпчилик иккинчи нуқтаи назарни ёқлаб чиқди, шекилли, араб алифбосини ва лотин алифбосини тарғиб этиш авж олди. Кўпчилик туркийзабон миллатлар билан баҳамжиҳат лотин алифбосига қайта ўтиш маъқул топилди. Бундай қарор ижтимоий – сиёсий жиҳатдангина эмас, маданий – маърифий жиҳатдан ҳам тўғри.

Нотўғри талқинларнинг олдини олиш учун шуни айтиш лозимки, ҳар алифбо қайси тил учун яратилган бўлса, ўша тил учун муқаддас. Бундай алифбони алмаштириш ҳақида эмас, балки такомиллаштириш ҳақида кайғўриш лозим. Аммо бизнинг олдимизда тамом бошқа масала—ўзга тиллар учун яратилган алифболардан тилимиз учун яроқлисини танлаш зарурияти тўрди. Бу масалани тўғри ҳал этиш учун ҳар уч алифбодаги ижобий ҳамда салбий кирраларни аниқлашимиз ва шуларни ҳисоб-китоб қилиб, маъқулини танлашимиз лозим бўлди. Биз лотин алифбосини танладик. Бунда жуда кўп омиллар ҳисобга олинди.

Биринчидан, жамиятимиз ижтимоий-сиёсий тараққиётини, айниқса келажагини уйлаб иш тўтиш лотин алифбосини танлаш тўғри бўлишини кўрсатди: Ўзбекистон Республикаси дунё микёсига чиқмоқда. Ғарб цивилизацияси томон ҳаркат қилар эканмиз, алифбони танлашда буни албатта ҳисобга олишимиз шарт. Ғарб дунёсидаги тараққий этган миллатларнинг деярли барчаси лотин алифбоси асосидаги миллий алифболар билан иш юритади. Умуман, лотин алифбоси — дунёда кенг тарқалган алифбо.

Иккинчидан, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан дунё миқёсига чиқиш, хорижий давлатлар билан бевосита дипломатик муносабатлар ўрнатиш, дунёда энг кенг тарқалган тилларни — инглиз, испан, француз тилларини — билишимизни тақозо этмоқда. Лотин алифбосига ўтишимиз ўзбекларнинг ғарб тилларини ўрганишини енгиллаштиради. Бугунги кунда ўзбек тадбиркорлари, ўзбек ва рус тилларидан ташқари, албатта ғарб тилини (биринчи галда инглиз тилини) билиши шарт бўлиб қолди, акс ҳолда самарали фаолият кўрсата олмайди.

Учинчидан, лотин алифбосига ўтиш масаласини биргина ўзбеклар кўтариб чиққани йўқ, балки кўпчилик туркийзабон миллатларга қараб иш тутиш лозимлиги ҳам лотин алифбосини танлашимизни ўз-ўзидан ҳал этиб қўйди.

Шу ерда яна бир ҳолатни таъкидлаш ўринли. Авваллари алифбони алмаштириш Юқоридан берилган кўрсатма билан амалга оширилган бўлса, бу гал дастлаб зиёлиларимизнинг ўзи ташаббус кўрсатди ва бу ташаббусни ҳукуматимиз қўллаб – қувватлади.

Ҳозирги имло муаммолари фанининг мақсади талабаларга жорий этилаётган ўзбек лотин алифбосини ҳозиргача амалда бўлган кирилл алифбоси билан қиёсан тасвирлаб ўргатишдир. Ушбу қиёсий тасвирдан кўзланган мақсадлардан бири икки алифбо орасида ўхшаш нуқталар жуда кўп эканини, янги ўзбек лотин алифбосини ўзлаштириш катта кийинчиликлар туғдирмаслигини намойиш қилишдир.

Дунёдаги бирорта ҳам алифбо мукаммал алифбо олдида қўйиладиган талабларга тўлиқ жавоб бермайди, уларда тўрлича нуқсонлар мавжуд. Жорий этилаётган ўзбек лотин алифбоси ҳам бундан мустасно эмас. Ҳар қанча ҳаракат қилинса ҳам, баъзи нуқсонларни бартараф этиб бўлмайди. Демак, алифбомизни такомиллаштириш иши давом этаверади.

Таянч тушунчалар:

- тилнинг ижтимоий ҳодиса эканлиги:
- ёзув кишилиқ жамияти тараққиётининг маҳсули:
- ўзбек тили тарихидаги ёзувлар — араб алифбоси, кирилл алифбоси ва лотин алифболари қиёси ҳақида:

Ақлий ҳужум учун саволлар:

1. Тил билан ёзувнинг қандай боғлиқ ва фарқли томонлари бор?
2. Ўзбек тили тарихида қўлланган қандай ёзувларни биласиз?
3. Нима сабабдан тилимизда бир асрда шунча ўзгариш рўй берди?
4. Нима сабабдан араб ёки кирилл алифбосини эмас, лотин алифбоси танланди?
5. Лотин алифбосига ўтишга сабаб бўлган омиллар нималардан иборат?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.Т., "Ўзбекистон", 1993 йил (2.09.)
2. Янги алифбо ва имлони ўрганиш дастури. Тузувчи: Й. Абдуллаев. Т., 1996
3. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг янги алифбоси ва имлоси. Т., "Университет" 2002
4. Раҳматуллаев Ш., Хожиев А. Ўзбек тилининг имло луғати. Т., 1996
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 24 августдаги 339-сон Қарори.
6. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси таълимига доир. – “Таълим жараёнида ўзбек янги алифбоси ва миллий имлосининг муҳим муаммолари” мавзусидаги Республика йиғилишининг маърузалар тўплами. ТДИУ (Тошкент, 1996 йил, 1 – 2 – май, 3 – 4 – бетлар).

2-мавзу: Янги ўзбек лотин алифбосининг афзалликлари.

Режа:

1. Кирилл, араб ва лотин алифболарининг фонографик ёзувлар олдига қўйилган талаблар бўйича қиёси.
2. Янги алифбонинг ўзига хос хусусиятлари.
3. Ўзбек лотин алифбосининг ўзбек тили миллий хусусиятларига бўйсундирилган ҳолда қабул қилиниши.
4. Ўзгаришлар оқибатида эришилган натижалар.
5. Лотин алифбосининг таълимдаги аҳамияти.

"Биз лотин алифбосини эмас, араб алифбосини танлашимиз лозим эди" деб фикр юритувчилар зиёлиларимиз орасида, айниқса тилимизнинг, адабиётимизнинг, тарихимизнинг ўтмиш босқичлари билан шуғулланувчилар орасида ҳали ҳам топилади. Юқорида лотин алифбосини танлашимизнинг айрим асосларини таъкидладик. Тўғри йўл тўтганимиз яна ҳам равшан бўлиши учун ҳар уч алифбомизни фонографик ёзувлар олдига қўйиладиган баъзи талаблар бўйича қиёслаш етарли:

1. Алифбодаги ҳар бир шакл товуш кўрсатиш учун ҳизмат қилиши керак, товуш кўрсатмайдиган шакл бўлмагани маъқул. Ўзбек араб алифбосида сукун аломати товуш кўрсатмайди. Ўзбек кирилл алифбосида бундай белги иккита (ъ, ь) ва улар ўзича товуш кўрсатмайди. Белги (тутуқ белгиси) ўзбек лотин алифбосида ҳам бор. Кўринадик, бу талаб жиҳатидан ўзбек араб алифбоси ва ўзбек лотин алифбоси ўзбек кирилл алифбосидан устун.
2. Алифбодан фойдаланувчи тилдаги фонеманинг ўз ҳарфи бўлиши керак. Ўзбек араб алифбосида, масалан, ўзбек тилининг унли фонемалари ҳарф билан таъминланмаган. Ўзбек кирилл алифбосида бир унли фонемамизга (от -

"исм" сўзидаги унлига) ва бир ундош фонемамизга (жуда сўзидаги биринчи ундошга) алоҳида ҳарф олинмаган. Шундай ҳолат ўзбек лотин алифбосида ҳам мавжуд. Шунга қарамай, бу талаб жиҳатидан ўзбек лотин алифбоси ва ўзбек кирилл алифбоси ўзбек араб алифбосидан устун туради.

3. Алифбода шу тилда йўқ фонема учун ҳарф бўлмаслиги керак, ҳарфлар фақат шу тилда бор фонемалар учун олинishi керак. Ўзбек араб алифбосида барча ислохатлардан кейин ҳам иккита араб фонеманинг ҳарфлари (ҳойи хўтти, айн ҳарфлари) сақланиб қолди. Ўзбек кирилл алифбосида биргина ҳарф (ц) бошқа тил фонемасини кўрсатишга хизмат қилади. Ўзбек лотин алифбосида эса бундай ҳарфий ортиқчалик йўқ. Демак, бу талаб жиҳатидан ўзбек лотин алифбоси қолган икки алифбомиздан устун туради.

4. Алифбодаги ҳар бир ҳарф барча ҳолларда айна бир фонемани кўрсатиши лозим. Ўзбек араб алифбосида алиф, вов, йо ҳарфлари ўрни билан унли товушни ва ундош товушни кўрсатиш учун ёзилаверади. Ўзбек кирилл алифбосида икки фонемамиз учун маҳсус ҳарф олинмагани сабабли шуларни ифодалаш бошқа ҳарфлар устига юкланган (о, ж). Ўзбек лотин алифбосида ҳам шу ҳолат сақланди. Шунга қарамай, бу икки алифбомиз ўзбек араб алифбосидан устун.

5. Алифбодаги ҳар бир ҳарф фонемани кўрсатишга хизмат қилиши лозим, икки ёнма-ён келган фонемани бир ҳарф билан ёзиш айрим ноқулайликлар келтириб чиқаради. Ўзбек кирилл алифбосида е, ё, ю, я ҳарфлари маълум ишлатилишида ёнма-ён келган икки фонема (е+унли) шаклида ёзилади. Бундай ҳолат қолган икки алифбомизда йўқ.

6. Алифбода бир фонема айна бир ҳарф билан кўрсатилиши керак. Ўрнига қараб икки бошқа-бошқа ҳарф билан ёзиш бироз кийинчилик туғдиради, ҳарфий ортиқчалик ҳисобланади. Ўзбек араб алифбосида бир унли товушни сўздаги ўрнига қараб алиф ҳарфи ва ҳаракат белгиси билан ёки йо ҳарфи ва ҳаракат белгиси билан ёзиш каби ҳоллар мавжуд. Бундан ташқари унли фонемаларни икки усулда — ҳарф билан ёки ҳаракат белгиси билан кўрсатиш жуда кучли. Ўзбек кирилл алифбосида биргина ҳарф бошқа-бошқа ҳарф билан—бўғин бошида э ҳарфи билан, бўғин ичида е ҳарфи билан ифодаланади. Ўзбек лотин алифбосида бундай нуқсон йўқ.

7. Алифбодаги ҳар бир ҳарф ўзининг тагшакли билан бошқа ҳарфлардан аниқ фарқланиб туриши керак. Ўзбек араб алифбосида 32 ҳарф 16 тагшакл асосида ҳосил қилинган, ҳарфлар шу тагшаклларнинг ост ёки уст қисмига нуқталар қўйиш йули билан фарқланган. Тагшаклнинг бир хиллиги ўзбек кирилл алифбосида ҳам бор: г – ғ, е – ё, и – й, к – қ, х – ҳ. Ўзбек лотин алифбосида бундай ҳолат о – о', г – г', ҳарфларидагина мавжуд. Хуллас, бу талабга кўра ҳам ўзбек лотин алифбоси устун туради.

8. Ҳарфлар шакли яхлит бўлиши лозим. Ҳарфда қандайдир қўшимча қисм бўлса, бу қисм тагшаклга қўшиб ёзилиши маъқул. Ўзбек араб алифбосида деярли учдан икки қисм ҳарфларда шакл яхлитлиги йўқ. Ўзбек кирилл алифбосидаги ё, й, ў ҳарфларидагина уларнинг қўшимча қисми тагшаклдан айрим ёзилади. Ўзбек лотин алифбосида i, j, o', g' ҳарфларида тагшаклдан айрим ёзиладиган қисм мавжуд. Кейинги икки ҳарфда бундай ҳолат

алифбомизни компьютерга мослаш зарурияти билан воқе бўлди. Шунга қарамай, ўзбек лотин алифбоси бу талаб жиҳатидан ҳам ўзбек араб алифбосидан устун.

9. Ҳарфни ёзганда қўл ўзилмаслиги керак. Алифболаримизнинг ижобий салбийлик даражаси бу жиҳатдан худди юқоридагича.

10. Ҳарф дастхатда олдинги ва кейинги ҳарфларга қўшиб ёзилиши маъқул. Бу талабга араб алифбоси жавоб бермайди. Араб алифбоси асосидаги ёзувда сўзнинг яхлитлиги кўринмайди, сўз билан сўз орасидаги чегара аниқ белгиланмайди. Бундай ҳолат хатни тўғри ва раван ўқишга ҳалақит беради. Ўзбек кирилл алифбосида ва ўзбек лотин алифбосида бундай салбий ҳолат йўқ.

11. Алифбода ҳарфнинг босма шакли ва ёзма шакли бўлиши ижобий хусусият деб баҳоланади. Ҳарфларнинг бундай шакллари айниқса, нашр ишларида катта ёрдам беради. Бу жиҳатдан ўзбек лотин алифбоси талабга жавоб беради.

12. Сўзнинг қаерда келишидан қатъи назар ҳарфнинг бир шакли сақланиши керак; бу билан ўқиш ва ёзишда соддаликка эришилади. Ўзбек араб алифбосида ҳарфларнинг деярли барчаси сўзнинг қаерида келишига қараб икки ёки тўрт шаклда ёзилади. Бундай ноқулайлик ўзбек лотин алифбосида йўқ.

13. Алифбо нашр ишлари учун, ёзув машинкаси учун қулай бўлиши лозим. Араб ёзуви дастхат учун яратилган. Бу ёзув асосидаги алифбонинг энг содда кўриниши бўлмиш насх хати ҳам нашр ишларига жуда ноқулай. Ўзбек лотин алифбоси нашр ишлари учун, ёзув машинкаси учун қулай.

14. Алифбода ҳарфларнинг бош ҳарфи кичик ҳарф шакли мавжуд бўлиши керак. Бош ҳарф ёзувда жуда муҳим вазифаларни бажаради: гапнинг бошланишини кўрсатади, ҳурмат билдирилаётганини кўрсатади. Ўзбек лотин алифбосида ва ўзбек кирилл алифбосида бундай имконият бор, ўзбек араб алифбосида эса бундай имконият умуман йўқ.

15. Алифбо тиниш белгиларни ишлатиш учун қулай бўлиши керак. Матнни тўғри ва тез тушунишда тиниш белгиларининг аҳамияти жуда катта. Ўзбек араб алифбосида тиниш белгиларини ишлатиш имконияти деярли йўқ, қолган икки алифбомиз эса тиниш белгиларини ишлатиш учун қулай.

Юқоридагилардан аёнки, уч алифбомиздан бирортаси ҳам мукаммал эмас. Улардан ҳар бири мукаммал алифбо олдига қўйиладиган талабларга турли даражада жавоб беради. Санаб ўтилган талабларга энг кўп даражада жавоб бериш ўзбек лотин алифбосига мансуб. Хуллас, лотин алифбосини танлашимиз ижтимоий жиҳатдан ҳам, иқтисодий жиҳатдан ҳам, тил илми жиҳатидан ҳам тўғри бўлди.

Лотин алифбосидаги айрим ҳарфлар бир тилнинг ўзидан бошқа – бошқа товушни кўрсатиш учун ёзиладиган ҳолат ҳам бор. Масалан, у ҳарфи сўзнинг бир ўрнида й товуши учун ёзилса, сўзнинг бошқа бир ўрнида и товуши учун ёзилади. Биз бундай ҳолатга йўл қўймадик.

Айрим ҳарфларга икки ҳар хил товушни ифодалаш вазифаси юкланди. Масалан, j ҳарфи: 1) ғарб тилларидан олинган *jurnal*, *projektor* каби сўзларда ва *ajdar*, *muja* каби шарқ тилларидан олинган бир неча сўзларда сирғалувчи

ундошни ифодалаш учун ёзилади; 1) қолган сўзларда эса портловчи ундошни ифодалаш учун ёзилади: jahon, tijorat каби. Бу ҳарф икки товушдан қай бири учун ёзилганини ажратиб олиш қийин бўлмайди.

Ўзбек кирилл алифбосидаги яна бир хусусият ҳам ўзбек лотин алифбосига кўчиб ўтди: о ҳарфи ҳар икки алифбода икки ҳар хил товушни кўрстиш учун ёзилади. (Ғарб тилларидан олинган полк каби сўзлардаги унлини ва ота каби сўзлардаги унлини ифодалаш учун ёзилади).

Жорий этилаётган алифбомизнинг алоҳида таъкидланадиган хусусияти шуки, ушбу алифбо сирасидаги барча ҳарфлар ўзбек тилида мавжуд товушларни ифодалайди, фақат ўзга тилга мансуб товушни ифодалайдиган ҳарф йўқ. Лотин алифбосидаги ҳарфлар ўзбек тилидаги товушларни ифодалаш учун етарли эмас. Шу сабабли айрим товушлармиз учун ўзимиз ҳарф ҳосил этишимиз зарур бўлди.

Юқоридаги ўзгаришлардан кейин алифбомиз 29 ҳарфдан иборат бўлди. Бундан ташқари тутук белгиси ҳам мавжуд. Кўринадики, биз лотин алифбосини кўр-кўрона қабул қилмай, ўзбек тилининг миллий хусусиятларига буйсундириб қабул қилдик.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, амалга оширилган ўзгаришлар оқибатида бир канча ижобий натижаларга эришдик: алифбомиз инглиз тили асосида ишлаб чиқилган ва дунё микёсида амал қилаётган компьютер системасига мосланди. Бу билан ўзбекча матнни дунё микёсида исталган нуқтага узатиш имкониятига эга бўлдик. Бўлардан катъи назар, алифбомиздаги ҳарфларнинг дастхат учункулай бўлишига эришилди, шу билан бирга ўзбек тилида йўқ товушга ҳарф олмадик, ўзбек тилидаги товушларни эса ҳарф билан таъминладик.

Ўзбек кирилл алифбосидан ўзбек лотин алифбосига ўтишни осонлаштириш учун бу икки алифбони киёслаб ўрганиш зарур.

Ҳарфларни ўқий олиш бошқа – ю, ёза олиш бошқа. Ҳарф ўқишни ўрганиш ҳарф ёзишни ўрганишдан кўра осонроқ. Ҳарф ўқиш учун асосан кўзимиз ҳарфларни танийдиган бўлиши керак. Ҳарфларни ўқий олсақ, ҳали тўлиқ маънода савод чиқарган бўлмаймиз. Саводли бўлиш учун ҳарфларни ёзиш кўникмасини ҳам ҳосил этишимиз шарт.

Қуйидаги баён маълумотдан ноъмалумга бориш асосида амалга оширилди. Бунда аввал босма ҳарфлар, кейин ёзма ҳарфлар изоҳланади; ҳар бири доирасида аввал кичик ҳарфлар, кейин бош ҳарфлар тасвирланди. Ҳар гал лотинча ҳарф қатнашадиган сўз мисол келтирилиб, шу сўзнинг кирилл алифбосида ёзилиши ҳам бериб борилди.

Алифбомиздаги ҳарфлар гуруҳларга ажратиб изоҳланди, бу гуруҳлар рим рақамлари билан белгиланади.

Баёнда лотинча сўзи лот қисқартирмаси, кириллча сўзи учун Кир, қисқартирмаси ишлатилади.

Таянч тушунчалар:

- уч алифбомиз киёси, бу киёс натижасида лотин алифбосининг устунлиги;

- лотин алифбосини танлашимизнинг ҳар томонлама тўғрилиги;1
- ўзбек кирилл алифбоси ва ўзбек лотин алифбосининг киёси;
- ҳарф ўқишни ўрганиш, ҳарф ёзишни ўрганишдан кўра осонроқ;
- амалга оширилган натижалардан эришилган ижобий ҳолатлар.

Ақлий ҳужум учун саволлар:

1. Ўзбек лотин алифбосидаги нечта ҳарф ўзининг тагшаклига эга?
2. Алифбода ҳарфнинг қандай шаклларда бўлиши ижобий хусусият деб баҳоланади?
3. Ҳар 3 алифбомизни қиёслаб кўрганимизда қайси бирини мукамалроқ деб ўйлайсиз?
4. Икки ҳар хил товушни ифодалаш вазифаси мавжуд бўлган ҳарфни кўрсатинг?
5. Янги алифбога сизнинг муносабатингиз қандай?

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.Т., "Ўзбекистон", 1993 йил (2.09.)
2. Янги алифбо ва имлони ўрганиш дастури. Тузувчи: Й. Абдуллаев. Т., 1996
3. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг янги алифбоси ва имлоси. Т., "Университет" 2002
4. Раҳматуллаев Ш., Хожиёв А. Ўзбек тилининг имло луғати. Т., 1996
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 24 августдаги 339-сон Қарори.
6. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси таълимига доир. – “Таълим жараёнида ўзбек янги алифбоси ва миллий имлосининг муҳим муаммолари” мавзусидаги Республика йиғилишининг маърузалар тўплами. ТДИУ (Тошкент, 1996 йил, 1 – 2 – май, 3 – 4 – бетлар).

3 - Мавзу: Янги имло қоидаларига шарҳлар. Ҳарфлар имлоси.

Режа:

1. Янги имло қоидаларининг такомиллаштирилиши.
2. Ҳарфлар имлоси. Унлилар имлоси.
3. Ундошлар имлоси.
4. Хулоса.

Ҳозиргача амал қилиб келинган имло қоидалари 1956-йилнинг 4-апрелидан бошлаб жорий қилинди. Шундан бери ўтган вақт давомида ўзбек тилшунослиги сезиларли тараққий этди, тил ҳодисаларини тушунишимиз чуқурлашди, имло қоидаларидаги ортиқчаликлар, хато – камчиликлар очиқ кўринди, айрим тил ҳодисалари қоидаларда қамраб олинмагани ҳам аниқ бўлди. Булардан қатъи назар, имло қоидаларини янгилаш ўз – ўзидан лозим

бўлиб қолди: алифбони алмаштириш имло қоидаларини ҳам қисман янгилашни тақазо этади. Ана шу заруриятлар туфайли амалдаги имло қоидалари қайта ишланиб, такомиллаштирилди ва амалиётга жорий қилинди. Ушбу қўлланмада ҳозир жорий этилган имло қоидалари ҳозиргача амалда бўлган имло қоидаларига қисмма – қисм қиёслаб шарҳланди. Демак, ушбу қўлланмадан фойдаланишда ҳар икки имло қоидалари тўпламига эга бўлиш зарур.

Ҳарфлар имлоси: Бу қисм 32 параграфдан иборат бўлиб, "Унлилар имлоси" (1-7-параграфлар) ва "Ундошлар имлоси" (8-32-параграфлар) деб иккига ажратилди.

Унлилар имлоси. Унлилар имлоси бўлимида товушлар амалдаги қоидаларда берилган асосда жойланди, фақат олдин кенг унлилар, охирида ўрта кенг унлилар берилди. Шундай жойлашда унли товушларнинг ўзаро яқинлиги ва бир – бирига ўтиши ҳисобга олинди.

Бу бўлимдаги 2 – 5 – 6 – параграфларда соф график қоида (харф – товуш муносабати) берилди, қолган тўрт параграфда эса, график қоида билан бир каторда, орфографик қоида ҳам берилди.

Ҳарфлар имлоси бўлимидаги график қоидалар алифбони ўрганиш жараёнида айтилишини ҳисобга олиб, бу ерда асосан орфографик қоидалар буйича мулоҳаза юритилди.

1- §. А а харфи. Амалдаги қоидаларда бу ҳарф 6 – параграф сифатида берилган бўлиб, ундаги уч пунктдан учинчиси жорий этилаётган қоидага киритилмади. Ўзбек тилига ўзлашган бундай арабча сўзларнинг кўпчилигида учинчи бўғинда а айтиш ва ёзиш қабул қилинган (Аслида ҳам бу бўғинда а унлиси катнашади): *tuomala*, *mubolag'a*, *muzokara*, *musobaqa* каби; баъзи сўзларда эса *i* айтиш ва ёзиш қабул қилинган: *mushoira* каби. Шу туфайли бундай сўзларнинг тўғри ёзилиши буйича ягона қоида бериб бўлмайди, уларнинг тўғри ёзилиши имло луғатида кўрсатилади.

Ғарб тилларидан олинган сўзлар учун тўзилган 2-пунктдан *mart*, *may*, *zal* каби сўзлар чиқарилди. Демак, бундай сўзларни аслига кўра а унлиси билан айтиш лозимлигини кўзда тутилди. Бу пунктга шарқ тилларидан сўз киритилиб, а унлиси ўрнига о унлиси айтиш анча кенг ҳодиса экани намойиш қилинди ва ёзиш лозимлиги қоидалаштирилди.

Бу параграфнинг графика масаласи акс этган 1-пунктида ҳам ўзгариш бор: мисоллар бошқача сараланди; ҳодиса унлининг каттик юмшоклиги асосида эмас, балки муҳимроқ белгилари (тор-кенглиги, олд катор ёки орқа катор унлиси эканлиги) асосида гуруҳланди (Бундай ўзгаришлар бошқа параграфларда ҳам амалга оширилди). Афсуски, унлиларнинг лабнинг актив иштирокида кўра белгисини таъкидлашдан воз кечилди.

Имло қоидалари лойиҳасининг муҳокамаси шуни кўрсатдики, унлининг орқа катор товуш эканини тил орқа ундошининг таъсирида ортикланиши ҳодисасидан фарқламаслик бор экан: а *i* унлилари – ўз табиатига кўра лод катор унлилар (*katta*, *kichik* каби), лекин ёнида келадиган ундошнинг таъсири билан ортикланиши мумкин (*qattiq*) каби.

Амалдаги имло қоидадаоида бундай ортиқланиш ҳодисаси "қаттиқ - (рок) айтилади", "қаттиқ унли" деб тушунтирилган. Талаффузга доир бундай таъкидлар жорий этилаётган имло қоидаларига киритилмади.

3 - §. I i ҳарфи. Бу параграфнинг - пунктида ҳозирги ўзбек адабий тилида и эмас, і айтиш лозим бўлган сўзлар келтирилди, олдинги бўғинда лабланган о' унлиси келишига карамай, кейинги бўғинида лабланмаган і унлисини айтиш ва ёзиш таъкидланди. Бу ҳодиса амалдаги имло қоидаларининг 2 - параграфидаги 3 - пункт ичида "Аммо" абзаци тарзида берилган, жорий этилаётган қоидаларга мустақил пункт сифатида киритилди. Амалиётда биргина сўз — mo'g'ul сўзи — истисно тарзида шундай ёзилар эди, бу сўзни ҳам умумий қоидага буйсундириб, mo'g'il тарзида ёзиш маъкул топилди.

4 — §. II u ҳарфи. Амалдаги имло қоидаларида бу ҳарф 2 - параграф сифатида берилиб, уч пунктда тасвирланган. Жорий этилаётган қоидаларда 1 - пункт (график қоида) янги тахрирда берилди. 3 - пункт (u - u муносабати) қоидадан чиқарилди, чунки тилимизда бу қоидага буйсунмайдиган сўзлар жуда кўп, демак, бу қоидадан фойда йўқ.

2 - пункт жорий этилаётган қоидаларда жиддий ўзгартириш билан сақланди: қоида o, a, u унлилари асосида эмас, фақат o унлиси асосида берилди, чунки маълум сўзларнинг олдинги очик бўғинида o унлиси келсагина, u билан бошланадиган кейинги ёпик бўғинда u унлиси айтилади ва ёзилади: *tovish*, *qovun* каби.

7 - параграфда ёнма - ён келадиган унлилар имлоси акс эттирилди. Амалдаги имло қоидаларида ҳам бу ҳодиса 7 - параграф сифатида берилган, лекин у ерда "унлилар ёнма - ён келади ва шундай ёзилади" деб таъкидланган ҳолос. Ҳақиқатда ҳодиса анча мураккаб: қатор келган унлилар орасида у қўшиб айтиш бор ва қатор келган унлиларнинг кейингисини у товушига айлантириб айтиш бор (*aerodrom* - *ayrodrom* каби). Унлилар орасига у қўшиб айтишининг ўзи камида беш турли:

aviatsiya – *aviyatsiya*, *million* – *miliyon*, *maishiy* – *mayishiy*, *alkaloid* – *alkoloyid*, *doim* – *doimiy*. Қоиданинг 1 – пунктида таъкидланган 5 турда ва 2 – пунктида таъкидланган турда талаффуз билан ёзиш фарқ қилади, шу сабабли имло қоида-сига зарурат бор. Унлилар ёнма – ён келадиган бошқа ҳолларда (улар 20 дан ортиқ) айтиш билан ўқиш фарқ қилмайди, лекин уларни ҳам таъкидлаш лозим топилди.

Хуллас, янги имло қоидаларининг «Унлилар имлоси» бўлими анча соддалашди ва ихчамлашди; лекин бу қисмда синчиклаб ўрганиш лозим нуқталар ҳам мавжуд.

Ундошлар имлоси. Бу бўлимдаги 25 параграфнинг 18 тасида график қоида берилди: лотин алифбосига ўтилиши сабабли ҳар бир ҳарфнинг қайси товушни кўрсатиши тушунтирилди. 7 – параграфда эса, график қоида билан бирга, орфографик қоида ҳам берилди (8 – , 10 – , 11 – , 13 – , 15 – , 22 – , 31 – параграфларда). Бу ерда шу параграфларгина шарҳлангади.

8 — §. B b ҳарфи. Бу параграфдаги 3 пунктнинг 1 – сида графика акс этди. 2 – пунктда амалдаги қоидаларнинг 12 – параграфидаги 1 – пункт қоида-си

сақланди: сўз охирида p айтиб, b ёзиш таъкидланади. 3 – пункт сифатида янги қоида киритилди: qibla каби сўзларда u айtilса ҳам, b ёзилиши таъкидланди.

Амалдаги қоидаларнинг 12 – параграфдаги 2 – пункт жорий этилаётган қоидаларга киритилмади:

Сўз бошида b ўрнига m айтиш адабий тилда йўқ, шева хусусияти; уни қоидаларга киритиш ноўрин деб топилди.

10 — §. V v ҳарфи. Бу ҳарф (товуш) амалдаги қоидаларга алоҳида изоҳланмаган. Жорий этилаётган қоидалардан 2 – пункт сифатида ўзлашган сўзлардаги ҳодиса таъкидланди: v баъзан f айtilса ҳам аслига кўра v ёзиш қоидаси берилди: avtomobil – aftomobil каби.

Амалдаги қоидаларда (13 – параграфда) u товушининг баъзан b айтилиши, лекин u ёзилиши ҳақида қоида бор (chivin – chibin каби), лекин адабий тилда йўқ экани ҳисобга олиниб, бу ҳодисага қоида берилмади.

11 — §. F f ҳарфи. Бу ерда амалдаги қоидаларнинг 14 – параграфида берилган қоида сақланиб, 2 – пункт сифатида берилган, лекин мисоллар сараланди:

сўзлашув нўткида p айтилиши аниқ мисолларгина берилди (fasl – pasl, fursat – pursat каби).

13 — §. D d ҳарфи. Бу ерда амалдаги қоидаларнинг 15 – параграфи 2 – пункти сифатида сақланди, лекин мисоллар сараланди ва бойитилди (badxo'r, badqovoq каби мисоллар қўшилди).

15 — §. Z z ҳарфи. Амалдаги қоидаларда бу ҳарф (товуш) берилмаган. Жорий этилган қоидаларда эса 1 – пункт сифатида график қоида, 2 – пункт сифатида орфографик қоида берилди: z жарангсизланиб, s айtilса ҳам, аслига мувофик z ёзилиши таъкидланди: iztirob – istirob каби. Демак, бу ҳодисани янги қоида сифатида ўрганамиз.

22 — §. N n ҳарфи. Амалдаги қоидаларнинг 20 – параграфи жорий этилаётган қоидаларни ушбу параграфда 2 – пункт сифатида берилиб, товуш ўзгариши (shanba – shamba, yonma – yon – yomma – yon) таъкидланди – ю, лекин унинг сабаби изоҳланмади.

Амалдаги қоидаларнинг 20 – параграфида берилган vatanparvar сўзи қоидадан чиқарилди, чунки бу ерда бемалол n айтиш мумкин.

Шунингдек амалдаги қоидаларнинг 21 – параграфи ҳам жорий этилаётган қоидаларга киритилмади, шу йул билан бундай сўзларни товуш ўзгаришисиз талаффуз қилиши маъқул эканига ишора қилинди: ko'lan'ka (ko'langka emas). Умуман, тилимиздаги бу тур товуш ўзгариши анча мўраккаб бўлиб, ng каби талаффуз қилишидан ташқари, ng' каби талаффуз қилиш ҳам мавжуд.

31 — §. Бу параграфнинг 1 – пунктида ундошларнинг сўз охирида ёнма – ён келадиган кўринишларидан бир тури таъкидланди: baland, past каби. Ушбу товуш ўзгариши жонли сўзлашувга хос бўлиб, адабий нуткда ёнма – ён келган ундошларни сақлаб талаффуз қилиш лозим. Амалдаги имло қоидаларида бу ҳодиса 24 – параграф сифатида тасвирланган. Жорий этилаётган қоидалардан фарқи шуки, товуш ташлаб айтиш адабий ёки ноадабий талаффуз экани очик айtilмаган.

31 – параграфнинг 2 – пунктида сўз охиридаги икки бир хил ҳарфни сақлаб ёзиш қоидалаштирилди: metal, kilogramm каби. Бу ҳодиса амалдаги имло қоидаларининг 25 – параграфида баён қилинган. Жорий этилаётган қоидаларда бу ҳодисанинг баёнига аниқлик киритилди: сўз охиридаги иккинчи ҳарф ёзилмаслиги таъкидланди, «қушимча» сўз ўрнига «қисм» сўзи ишлатилади (чунки юкламани «қўшимча» дейиш хато).

Амалдаги имло қоидаларининг 26 – , 28 – параграфларида берилган ҳодисалар имло қоидаларига киритилмади. 26 – параграфнинг 1 – пунктда сўз охирида келадиган икки, уч ундош ёнма – ён ёзилиши таъкидланган ҳолос (sinf каби). Бундай сўзларда товуш ўзгариши бўлиши айtilмаган. Модомики, айтилиши билан ёзилиши фарқ қилмас экан, имло қоидасига эҳтиёж йўқ деб топилди. Тўғри, жонли сўзлашувда қатор келган ундош орасига (баъзан кетига) товуш қўшиб айтиш бор, лекин буни имло қоидасига киритиб, ташвиқ этиш ўринли бўлмайди. 28 – параграфга нисбатан ҳам шундай ёндашилди (stol каби).

26 – параграфнинг 2 – пунктда сўз ичида икки бир хил ундошнинг келиши таъкидланган: айтилиши билан ёзилиши фарқ қилмайдиган бу ҳодисани имло қоидасида ўз – ўзидан ортиқча.

Жорий этилган имло қоидаларининг 32 – параграфда нутқ белгисининг (‘) ишлатилиши тасвирланди. Бу параграфдаги 1 – пункт амалдаги қоидаларнинг 29 – параграфидаги 3 – пунктга тўғри келади: даъво – da’vo каби. Амалдаги қоидаларда сўз охирида тутуқ белгиси қўйилмаслиги таъкидланган: тобе, нав каби. Жорий этилаётган қоидаларда ҳам белги қўйилмаслик тўғри деб топилди.

Ушбу параграфнинг 2 – пункти амалдаги қоидаларининг 29 – параграфдаги 2 – пунктга тўғри келади: санъат – san’at каби. Бу пункт мисол турлари билан бойитилди ҳолос: In’om, qat’iyu каби.

Таянч тушунчалар:

- амал қилиб келинган имло қоидалари 1956 йилнинг 4 – апрелидан бошлаб жорий қилиниши, имло қоидаларини янгилаш ўз – ўзидан лозим бўлиб қолиши;
- ҳарфлар имлосининг иккига ажратилиши;
- унлилар имлоси бўлимида товушларнинг амалдаги қоидаларда берилган асосда жойланиши;
- ундошлар имлоси, уларнинг амалдаги имло қоидаларидан фарқи.

Ақлий хужум учун саволлар:

1. Ҳозиргача амал қилиб келинган имло қоидалари қачондан бошлаб жорий қилинган?
2. Ҳарфлар имлоси қисми неча параграфдан иборат?
3. Унлилар имлоси бўлимидаги нечанчи параграфларда соф график қоида берилган?
4. Ўзбек тилига ўзлашган арабча сўзларнинг кўпчилигида учунчи бўғинда а айтиш ва ёзиш қабул қилинган. Бундай сўзларга мисоллар келтиринг?

5. Амалдаги қоидаларнинг 20 – параграфиди берилган *vatanparvar* сўзи қоидадан чиқарилди. Бунинг сабаби нимада?

Фойдаланилган адабиётлар руйҳати:

1. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.Т., "Ўзбекистон", 1993 йил (2.09.)
2. Янги алифбо ва имлони ўрганиш дастури. Тузувчи: Й. Абдуллаев. Т., 1996
3. Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг янги алифбоси ва имлоси. Т., "Университет" 2002
4. Рахматуллаев Ш., Хожиев А. Ўзбек тилининг имло луғати. Т., 1996
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 24 августдаги 339-сон Қарори.
6. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси таълимига доир. – “Таълим жараёнида ўзбек янги алифбоси ва миллий имлосининг муҳим муаммолари” мавзусидаги Республика йиғилишининг маърузалар тўплами. ТДИУ (Тошкент, 1996 йил, 1 – 2 – май, 3 – 4 – бетлар).

4 – мавзу: Асос ва қўшимчалар имлоси, қўшиб ёзиш қоидалари.

Режа:

1. Жорий этилаётган имло қоидаларига киритилган имло қоидаларига киритилмаган ҳодисалар ҳақида.
2. Асос ва қўшимчалар имлоси.
3. Қўшиб ёзиш қоидалари ҳақида маълумот.
4. Хулоса.

Бу қисм 5 параграфдан иборат. Амалдаги имло қоидаларининг муқобил қисмида 25 параграф ажратилган. Параграфлар миқдорининг кескин камайиши уч сабабга кўра юз берди:

- 1) айрим ҳодисалар янги имло қоидаларига киритилмади;
 - 2) айрим ҳодисалар имло қоидаларининг бошқа қисмига ўтказилди;
 - 3) айрим ҳодисалар ўзаро бир параграфга бирлаштирилди.
1. Қуйидаги ҳодисалар жорий этилаётган имло қоидаларига киритилмади:
- 1). Сон - сана каби товуш ўзгариши (3 – 1 – параграф) киритилмади, чунки: а) бундай товуш ўзгариши шу тур сўзларнинг бир қисмидагина юз беради (жузъий ҳодиса), б) сўз ясалишигагина тааллуқли, демак, имло луғатида ўз аксини топади.

Ўзбек тилининг этимологик луғатини тузиш муносабати билан қоидадан асли хато экани маълум бўлди. Биринчидан, «бир йилга тенг умр» маъносини англатган йаш отидан йаша – феъли, «миқдор» маъносини англатган сан отидан сана – феъли қадимги туркий тилда ясалган; иккинчидан, ўзбек тили манбаида бу феъллар таркибидаги унлилар [^] *а*

товушига томон эмас, балки *а* товушига томон ўзгарган; учинчидан, бу ердаги товуш ўзгаришини кўшимча кўшилиши билан юз беради деб тушунтириш нотўғри.

2). Иси - иссиқ каби товуш ўзгариши (40 - параграф) киритилмади, чунки бундай товуш ўзгариши санокли сўзларда, шунда ҳам сўз ясалишига боғлиқ ҳолда юз беради.

3). Ёз - ёзувчи каби мисолларни келтириш (41 - параграф) 1956-йилдан олдинги ёз – ёзучи каби ёзишни бекор қилиш учун керак эди, ҳозир эса бундай таъкидга эҳтиёж йўқ. Бундай сўзларнинг тўғри ёзилиши имло луғатида кўрсатилади.

4). Амалдаги қоидаларнинг 43 – параграфида икки турли ҳодиса тасвирланган: а) – гир (- кир – қир) каби сифат ясовчилар, б) –гиз (қиз – гиз) каби нисбат ясовчилар. Қоидада жарангсиз ундош билан тугаган сўзга жарансиз ундош билан бошланадиган кўшимча, жарангли ундош билан тугаган сўзга эса жарангли ундош билан бошланадиган кўшимча кўшилиши таъкидланган. Лекин бу қоида қисмангина иш беради. Чунки жарангсиздан кейин қачон к товуши билан бошланадиган кўшимча, қачон қ товуши билан бошланадиган кўшимча кўшилиши қоидадан ташқарида қолади. Жарангли ундошдан кейин қачон г ундоши билан бошланадиган, қачон ғ ундоши билан бошланадиган кўшимча кўшилиши ҳам очиқ қолади. Кейинги ҳодисаларни ҳозирги ўзбек адабий тили асосида қоидалаштириб бўлмайди. Шу сабабли амалдаги қоидаларнинг бу параграфи ҳам жорий этилаётган қоидалар тўпламига киритилмади.

5). Амалдаги қоидаларнинг 44 – параграфида келтирилган – ганиг – гин кўшимчаларини бирор талаб билан – гали, - гил шаклида ёзиш ҳозирги ўзбек адабий тили учун хос эмас. Қоидалар ҳозирги ўзбек адабий тили учун берилади. Бу кўшимчалар тилимиз таракқиётининг олдинги даври акс этган асарларда – гали шаклида айтилиши ва ёзилиши табиий. Шеърятда ҳозир ҳам баъзан – гали шаклида ишлатиш учрайди, буни шоирнинг услубига хос ҳодиса деб қараш керак. Хуллас, ҳозирги ўзбек адабий тили нуқтайи назаридан ушбу қоидага эҳтиёж йўқ.

6). Ўқибман каби сўзлардаги товуш ўзгариши (45 – параграф) асли h ҳарфига багишланган 8 – параграфда ўз аксини топган (*Kelib - kelir* каби), шу туфайли имло қоидаларига мустақил параграф сифатида киритилмади.

7). Бир кўшимчани ҳар хил маъно ифодалашга ҳизмат қилдириб, - ар, - ур каби икки шаклда айтиш ва ёзиш (*kelar – kelur*) асли имло қоидаси эмас (46 – параграф). Бундан қатъий назар, бу кўшимчанинг – ур шакли ҳозирги ўзбек адабий тилида деярли ишлатилмайди. Айтилган мулоҳазаларга асосланиб бу ҳодиса ҳам имло қоидаларига киритилмади.

8). Амалдаги қоидаларнинг 46 – параграфида – ли - лик кўшимчалари кенг тавсифланган. Сўз ясалишига тааллуқли бўлгани туфайли бундай ясама сўзлар асосан имло луғатида ўз аксини топади, шу сабабли имло қоидаларига киритилмади. Лекин, афсуски, тошкентлик, марғилонлик, ўзбекистонлик каби сўзларнинг тўғри ёзилиши имло луғатида ўз аксини топмай қолади.

9) Имло қоидаларига амалдаги қоидаларнинг 50 – параграфида берилган ҳодисалар ҳам киритилмади. Бу параграф асли unutmoq каби сўзларнинг ёзилишини таъкидлаш учун тузилган (Икки пунктда саналган қўшимчаларда ҳеч ким i ўрнига у айтмайди ҳам, ёзмайди ҳам). Unutmoq каби иккинчи бўғинида у ёзиладиган сўзларни имло луғатида беришнинг ўзи етарли.

10) Тожиқ тилидан ўзлашган бе – каби олд қўшимчаларни қўшиб ёзиш ҳақидаги 52 – параграфнинг ортиқча экани ўз – ўзидан аниқ.

11) Амалдаги қоидаларнинг 53 – параграфида саналган «элементлар» нинг қўшиб ёзилиши ҳақидаги қоида ҳам ортиқча: булар қўшимчага тенг деб қаралади, демак, ўз-ўзидан қўшиб ёзилади. Лекин саналган «элемент» лар орасида сўзга тенглари ҳам бор бўлиб (нома, хона, хуш, ҳам, кам, боп). Булар жорий этилаётган имло қоидаларидаги «Қўшиб ёзиш» қисмига (36-параграфга) кўчирилди.

12) Амалдаги қоидаларнинг 49 - параграфи (фамилия ва ота исм билдирувчи қўшимчалар имлоси) жорий этилаётган қоидаларга киритилмади. Русча «исм + ота исм + фамилия» тизими ўрнини келгусида «исм + ота исм» тизими олиши назарда тутилди. Масалан, Шухрат Собирович Раҳимов ўрнини Шухрат Собиржон ўғли ёки Шухрат Собир олиши мумкин. Бундай жараён, албатта, узоқ йиллар давом этади. Шуни ҳисобга олиб, фамилия ва ота исмни тўғри ёзиш қоидаси имло қоидаларида вақтинча сақланиши керак эди, чунки фамилияларни ёзишда турли-туман камчиликлар жуда кўп учрайди. Ана шундай камчиликларнинг олдини қисман бўлса-да олиш мақсади билан қуйида шу қоиданинг охириги келишилган матнини келтирдик: «Фамилия ва ота исм билдирувчи қўшимчалар унли билан тугаган киши отларига -уев (-ueva), -uevɨn (-uevna), ундош билан тугаган киши отларига -ов (- ova), -ovich (- ovna) шаклида қўшилади..» (1994- йил-нинг 3- сентябрида тайёрланган лойиҳадан).

Хуллас, жорий этилаётган имло қоидалари тўпламига амалдаги 11 - параграф тўлалигича, 1- параграф қисман киритилмади.

Амалдаги қоидада мисоллар -qa, -ka, -qan, -kan, -kaz, -kun, -cha, -kach, -qacha, -kin, -qina, -kina, -qi қўшимчаларига келтирилган, лекин қўшимчаларнинг ўзи саналмаган. Жорий этилаётган қоидада аввал қўшимчаларнинг ўзи саналиб, кейин уларнинг бош товушига кўра турлари қай вақтда танланиши баён қилинди. Қўшимчалар қаторига – gudek киритилди (негадир - gu қўшимчаси тушиб қолди).

Амалдаги қоидаларда бундай қўшимчалар «айтилишига мувофиқ ёзилади» дейилган холос. Янги қоидаларда ҳодиса маълум асослар билан гуруҳлаб қоидалаштирилди. Ушбу пунктнинг «а» ва «б» бандлари ўта аниқ тузилди: сўз охири k товушига тугаса, қўшимчаларнинг k ундоши билан бошланадиган кўриниши қўшилади, сўз охири d ундоши билан тугаса, қўшимчанинг d ундоши билан бошланадиган кўриниши қўшилади: bukkan, chiqqaq каби.

Ушбу параграфнинг «в» банди «колган барча ҳолларда» деб берилди, ҳодисаларнинг ўзи изоҳланмади. Кўринадик, k, q товушига тугайдиган сўзлар бошқа барча товушлар билан тугайдиган сўзларга зид қўйилди: k

товушига қ товуши, д товушига д товуши; колган барча товушларга g товуши (сўз қайси товушга тўғашидан ва қўшимчанинг бошида k ёки д айтилишидан катъий назар).

«Қолган барча ҳоллар» ичида аввало унлига ва жарангли ундошга (g ва g' ундошларидан ташқари) тўғайдиган сўзлар ажратиб олиниши керак: бундай сўзларга g ундоши билан бошланадиган қўшимча қўшилади ва бунда товуш ўзгариши юз бермайди: ko'chaga, qaragin, qo'yga, bergin каби.

Жарангсиз ундош билан тўғайдиган сўзга g товуши билан бошланадиган қўшимча қўшилганда бундай қўшимча бошидаги g ундоши жарангсизлашади ва шундай айтилади, лекин g ёзилади. Демак, бу ерда айтиш билан ёзиш фарқ қилади, имло қоидаcига эҳтиёж бор: boshka, bitkan айтилади, лекин boshga, bitgan ёзилади.

Юқорида таҳлил қилинган ҳодисалар қоидаларда бирма – бир баён қилинмади, лекин амалиётда худди шундай талаффуз қилиб ва ёзиб келганмиз.

Ҳозирги қоидаларда тавсия этилаётган янгилик g, g' ундоши билан тўғайдиган сўзларга тааллуқли: $g + g = gg$; $g' + g = g'g$ ёзиш қоидалаштирилди: bargga, cho'g'ga каби. Демак, товуш ўзгариши икки томонда — ҳам сўзнинг охирида, ҳам қўшимчанинг бошида — содир бўлса, талаффузи асосида эмас, балки асли қайси товуш экани асосида ёзилади.

Қўшиб ёзиш. Қўшиб ёзиш амалдаги қоидаларнинг 56 – параграфида 4 пункт қилиб баён қилинган. Ушбу параграфда фақат қўшма сўзларгина камраб олинган. Жорий этилаётган имло қоидаларида, қўшма сўзлардан ташқари, қисқартмалар ҳам камраб олинди.

Қисқартма қисмларини, шунингдек унга қўшиладиган қўшимчаларни қўшиб ёзиш таъкидланди: O'zMUning каби. Ёнма-ён келган икки қисқартмани ажратиб ёзиш лозимлиги ҳам кўрсатилди: OzRFA каби.

48 – параграф ҳам янги бўлиб, унда ўзлашма сўзларни ва калькаларни аслига мувофиқ қўшиб ёзиш айтилди: suvosti каби.

Амал қилиб келинаётган имло қоидаларидаги 56 – параграфнинг 4 – пунктида аро, умум, бутун сўзлари билан тузиладиган сўзларни қўшиб ёзиш айтилган: районлараро, умумшахар, бутуниттифок каби. Бу қоидага нотўғри истисно ҳам берилган: Умум Европа, Бутун Россия кабиларни ажратиб ёзиш, ҳатто ҳар икки қисмни бош ҳарф билан бошлаб ёзиш қоидалаштирилган. Ҳеч шубҳасиз, umumevorga каби сўзлар сифат туркумига мансуб сўз бўлгани сабабли қўшиб ёзилиши лозим. Бу пунктда тасвирланган ҳодиса асли жорий этилаётган имло қоидаларининг 48 – параграфига тўғри келади: булар - калькалар.

40- параграфда ҳам янги қоида берилди: сўз ясовчи қўшимча қўшилса, такрор таклид сўз қисмлари орасидаги чизиқча ташланиб, бу қисмлар қўшиб ёзилиши айтилди: (pir-pir) + ak = pirpirak каби.

45- параграфда маросим, афсона кабиларнинг қўшма отлари қўшиб ёзилиши алоҳида таъкидланиб, бу ҳам янги қоидалар қаторига киради: kiriyuvdi каби.

46 – параграфда ҳам янги қоида берилган бўлиб, каратувчили бирикманинг бир сўзга айланиши билан юзага келган қўшма отларни қўшиб ёзиш кўрсатилди: so'zboshi, mingboshi каби. Амалдаги қоидалар 58- параграфининг 12- пунктида бундай тур сўзлар ажратиб ёзилади дейилган, жорий этилаётган қоидаларда бу тур сўзларни қўшиб ёзиш тавсия қилинди, чунки уларда бирикмалик хусусияти сақланмайди.

39- параграф амалдаги имло қоидаларининг 56- параграфидаги 2- пунктга муқобил, лекин фарқли: -mas қўшимчаси билан тугайдиган сўзлар ҳам камраб олинди: ishyoqmas каби. Янги қоидаларда бундай сўзлар от ёки сифат бўлиши ҳам таъкидланди.

47- параграф амалдаги имло қоидаларининг 56- параграфидаги 3 – пунктга муқобил, лекин фарқли: амалдаги қоидада бундай қўшма сўзларнинг иккинчи қисми турдош от бўлиши айtilган, лекин мисоллар орасида бундай қисм сифатга тенг сўз ҳам (obod) берилган; янги қоидаларда шу камчилик бартараф қилинди («турдош от ёки obod сўзи» деб берилди). Иккинчи қисми атоқли от бўлган жой номларининг ажратиб ёзилиши ҳам шу параграфга киритилди (Бу ҳодиса амалдаги қоидаларнинг 58- параграфида 2- пункт қилиб берилган).

38- параграф асли амалдаги имло қоидаларидаги 53 – параграфдан ажратиб олинди (қўшма сўзлар имлоси параграфига ўтказилди). Жорий этилаётган имло қоидаларида қўшма сўз ясашда катнашадиган ва қўшиб ёзиладиган бундай сўзлар деярли тўлиқ саналди. Амалдаги қоидаларда bor, do'st, noma, xona, xush, ham, kam сўзлари келтирилган бўлиб, жорий этилаётган қоидаларда шулар каторига roya, baxsh, umum, rang, mijoz, sifat, talab сўзлари киритилди (do'st сўзи негадир тушиб қолди). Хуллас, қўшма сўз ҳосил қилишда катнашиб, қўшиб ёзиладиган сўзлар миқдори тўлдирилди. Бундай қўшма сўзлар имлоси янги қоида сифатида ўрганилиши керак.

Жорий этилаётган имло қоидаларининг «Қўшиб ёзиш» қисмидаги 41-, 42-, 43-, 44 – параграфлар амалдаги имло қоидаларининг 56 – параграфидаги.1 – пунктга муқобил деса бўлади. Амалдаги қоидаларда «бир тушунчани ифодаловчи ва бир бош урғу билан айтиладиган қўшма отлар» қўшиб ёзилиши таъкидланган. Асли бу таъкид шу пунктгагина эмас, умуман барча қўшма сўзларга тааллуқли (улар хоҳ қўшиб ёзилсин, хоҳ ажратиб ёзилсин). Демак, бу қоида ўта умумий бўлиб, қўшма сўзни қачон қўшиб ва қачон ажратиб ёзишни белгилаб бермайди.

Жорий этилаётган қоидаларда бошқача йўл тutilди: қўшма сўз нимани ва қандай белгисига кўра англатиши асосга олинди, шунга биноан параграфлаб тасвирланди.

41 – параграфда предметни ва унинг белгисини қиёслаш, ўхшатиш йўли билан билдирадиган қўшма от ва қўшма сифатларни қўшиб ёзиш қоидалаштирилди: karnaugul каби.

42 – параграфда предметни ранги, мазаси каби белгиси асосида билдирувчи қўшма отлар таъкидланди: olaqarg'a, achchiqtosh каби.

43 – параграфда предметнинг нимага мўлжалланганлигини билдирадиган қўшма отлар учун қоида берилди: qiymataxta, ko'zoynak каби.

44 – параграфда жойга нисбат билдирувчи қўшма отлар келтирилди: tog'olcha, qashqargul каби.

Нихоят, жорий этилаётган имло қоидаларидаги 50 – параграфда ҳам янги қоида берилди: бир товуш икки ва ундан ортиқ товуш тарзида (чўзиб) айтилса, бундай ҳолат ҳарфни такрор ёзиш билан ифодаланади: уо'о'қ, нимаа каби.

Хуллас, қўшиб ёзиладиган қўшма сўзлар учун берилган қоидалар амалдаги қоидалардан ўз аниқлиги ва тўлиқлиги билан ажралиб тўради.

Таянч тушунчалар:

- асос ва қўшимчалар имлосига ажратилган параграфлар, кескин камайишнинг уч сабаби;
- қўшимча қўшилиши билан сўз охиридаги унли ўзгаради;
- қўшимча қўшилиши билан сўзнинг таркибидаги товушларнинг тушуши ёки ортиши;
- фўшиб ёзиш қоидалари, фўшма сўз ва қисқартмаларнинг қўшиб ёзилиши.

Ақлий ҳужум учун саволлар:

1. Қайси ҳодисалар жорий этилаётган имло қоидаларига киритилмаган?
2. Янги имло қоидаларига кўра к ва қ ундоши билан тугаган сўзларга қўшимчалар қай тарзда қўшилади?
3. Қўшиб ёзиш қоидаларининг аввалги ва янги имло қоидаларидаги ўхшаш ва фарқли томонлари нимада деб уйлайсиз?
4. Жорий этилаётган имло қоидаларининг 50 – параграфида қандай янги қоида киритилган?

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.Т., "Ўзбекистон", 1993 йил (2.09.)
2. Янги алифбо ва имлони ўрганиш дастури. Тузувчи: Й. Абдуллаев. Т., 1996
3. Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг янги алифбоси ва имлоси. Т., "Университет" 2002
4. Рахматуллаев Ш., Хожиев А. Ўзбек тилининг имло луғати. Т., 1996
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 24 августдаги 339-сон Қарори.
6. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси таълимига доир. – “Таълим жараёнида ўзбек янги алифбоси ва миллий имлосининг муҳим муаммолари” мавзусидаги Республика йиғилишининг маърузалар тўплами. ТДИУ (Тошкент, 1996 йил, 1 – 2 – май, 3 – 4 – бетлар).

5-мавзу: Чизикча билан ёзиш, ажратиб ёзиш, бош ҳарфлар имлоси, кўчириш қоидалари ҳақида маълумот.

Режа:

1. Чизикча билан ёзиш қоидалари.
2. Ажратиб ёзиш қоидалари.

3. Бош ҳарфлар имлоси.
4. Кўчириш қоидалари.

Жорий этилаётган имло қоидаларининг бу қисми амалдаги имло қоидаларининг муқобил параграфидан сезиларли даражада фарқ қилади: бир параграф (57 – параграф) ўрнига 6 параграф тарзида берилди.

51- параграфда жуфт сўз ва такрор сўз қисмларини чизикча билан ёзиш айtilди (Амалдаги қоидаларда жуфт сўз ва такрор сўз ўзаро фарқлаб номланмаган): el-yurt, don-dun каби. Бу параграф мисоллари каторига o'n-o'n beshta (10-15та), bordi-keldi, ming-minglab, ishlay-ishlay, yaqin-yaqinlargacha, hamma-hammasi, uy-uyiga, ich-ichidan каби мисол турлари киритилди.

Ушбу параграфда учта эслатма берилди. 1 – эслатма янги қоидага тенг: жуфт сўздан қўшимча ёрдамида ясалган сўз таркибида чизикча сақланади: baxt-saodatli каби. «Қўшиб ёзиш» қисмидаги 40-параграфда такрор тақлид сўзга қўшимча қўшиб сўз ясалганда бундай ясама сўз қисмлари чизикчасиз қўшиб ёзилиши қоидалаштирилди: (hay=hay) + la = hayhayla каби. Бу икки янги қоида янги ўзаро қиёслаб ўрганиш ижобий натижа беради.

51 – параграфнинг 2 – эслатмаси амалдаги қоидаларнинг 57 – параграфидаги «Эслатма»га тўғри келади, лекин фарқли: унда жуфт сўз қисмлари орасида боғловчи келса, уел-и osmon каби шаклда чизикча билан ёзиш лозимлиги таъкидланган.

51- параграфнинг 3 – эслатмасида етакчи ва кўмакчи феъл бир хил шаклда келса, Чизикча балан ёзиш айtilди: yozdi-oldi каби. Бу ҳодиса амалдаги имло қоидаларининг 57 – параграфида (1 – пунктда) мисол бериш йўли билан кўрсатилган (биласан – оласан, айтасан – қўясан), жорий этилаётган қоидаларда алоҳида эслатма тарзида берилди; чунки етакчи ва кўмакчи феълнинг бундай ишлатилиши на жуфт сўзга, на такрор сўзга тўғри келмайди, алоҳида грамматик ҳодиса деб қаралади.

Жорий этилаётган имло қоидаларининг 52 – параграфида ko'm - ko'k каби сўз шакллари чизикча билан ёзиш таъкидланди. Бу ҳодиса амалдаги қоидаларнинг 55 – параграфида ўз аксини топган. Фарқи шуки, хато мисол (жимжит) ташланди, «орттирма сифат» тушунчаси ўрнига «белгини кучайтирувчи сўз шакли» тушунчаси берилди. «Бош қисмини такрорлаш йўли билан» изоҳидан ҳам воз кечилди. Натижада ҳодисанинг моҳияти очилмай қолди, фақат мисол оркали тушунтиришга ўтилди. Маълумки, «қисқа такрор» номи билан юритилувчи бу ҳодиса маълум колиплар асосида тузилади (Бу ҳақда маълумот грамматиканинг сифат туркуми баҳсида берилади).

53 – параграфда талкин қилинган ҳодиса амалдаги қоидаларда махсус ажратилмаган, 57 – параграфнинг 1 – пунктида фақат юзма – юз мисолигина бериб ўтилган. Бу ердаги янгилик шуки, ба – элементи ҳам қамраб олинди (rang – barang каби); истисно ҳолатлар ҳам таъкидланди (ro'baro' каби).

54- параграфда рус тилидан айнан ёки калькалаб олинган сўзларни аслига мувофиқ чизикча билан ёзиш айtilди; бу параграфда келтирилган ҳодиса амалдаги қоидалар 57 – параграфининг 2 -, 3- пунктларида намойиш қилинган: unter-ofitser, kilovatt-soat каби.

Жорий этилаётган имло қоидаларида юкламалар тўлиқ келтирилди (55 – параграф): амалдаги қоидаларнинг 54 – параграфида 9та юклама саналган бўлса, жорий этилаётган қоидаларда 11 та юклама келтирилди (юкламаларнинг вариантлари бу ҳисобга қирмайди). Негадир – дир юкламаси эътибордан ҳоли қолди.

Амалдаги қоидаларда уч юкламани (- ми, - оқ, - гина) қўшиб ёзиш, олти юкламани (-чи, -да, -а, -ю, -ку, -э) чизикча билан ёзиш қоидалаштирилган. Жорий этилаётган қоидаларда эса тўрт юкламани (-mi, -oq, -ov, -gina) қўшиб ёзиш, етти юкламани (-chi, -a, -ku, -u, -da, -e, -ey) чизикча билан ёзиш қоидалаштирилди.

Аввало икки сўзни қўшиб ёзишга тенг 7 – синф ўрнига 7 – синф тарзида ажратиб ёзиш лозимлиги кўрсатилди. Вақт ифодалашда араб рақамларидан кейин чизикча ёзиш қоидадаштирилди: 60 – yillar, 1991 – yilning 1 – sentabri каби.

Афсуски, қоидаларда яна бир ҳодиса ўз аксини топмай қолди. Санашнинг бошланиши ва тугадини билдирувчи рақамлар орасига чизик ёзилишини таъкидлаш лозим эди: IX—XIV asrlar каби. Агар бундай санашда араб рақамлари ишлатилса, чизикдан ташқари, ҳар биридан кейин Чизикча ҳам ёзиши зарур: 9 - — 11 – sinflar каби. Чунки чизикча сира сон қўшимчаси ўрнига ёзилади, чизик эса « - дан.. - гача» маъносини ифодалашга хизмат қилади.

Хуллас, жорий этилаётган имло қоидаларининг «чизикча билан ёзиш» қисми диққат билан ўрганишни талаб қилади.

Ажратиб ёзиш. Амалдаги имло қоидаларида ажратиб ёзишга 58 – параграф бағишланган. Бу параграф 14 – пунктдан иборат бўлиб, жуда хилма – хил ҳодисалар қамраб олинган. Жорий этилаётган қоидаларда бу пунктларнинг кўпи ўз аксини топмади.

14 – пунктда келтирилган мисоллар моҳияти жиҳатидан ҳар хил бўлиб, кўп ер, оз ер, кам ер мисоллари сўз бирикмасига тенг, демак, ўз – ўзидан ажратиб ёзилади (иккинчи сўз е, ю билан бошланишидан қатъий назар). Muzyorar, qo'lyozma сўзлари калькалар сифатида қўшиб ёзилишини, шунингдек umumyevropa сифати ҳам ўз – ўзидан кичик ҳарф билан бошлаб қўшиб ёзилишини олдинги қисм баёнида айтиб ўтдик; ishyoqmas сўзини ҳам қўшиб ёзишга иккинчи қисмининг у ҳарфи билан бошланиши тўсиқ бўла олмайди. Хуллас, бу пунктдаги сўз бирикмасига тенг мисоллар ташланди, сўзга тенг мисоллар эса қўшиб ёзиш қисмидаги параграфларга ўтказилди.

Амалдаги имло қоидалари 58 – параграфининг 1- , 5- , 6- , 9- пунктларида асли қўшма сўз эмас, балки сўз бирикмаси акс этган, шу сабабли жорий этилаётган имло қоидаларига бу ҳодисалар киритилмади.

2- пунктда тасвирланган Yuqori Chirchiq каби географик номлар жорий этилаётган имло қоидаларининг «Қўшиб ёзиш» қисмига кўчирилиб, 47- параграфда Mirzacho'l каби қўшиб ёзиладиган жой номларига киёсан баён қилинди.

Амалдаги имло қоидалари 58- параграфининг 4- пунктида тасвирланган ҳодиса жорий этилаётган имло қоидаларда 61 – параграф сифатида берилди:

to'q qizii каби. Амалдаги имло қоидаларида бўлар кўшма сифат деб талқин қилинган, жорий этилаётган имло қоидаларида эса икки сўз деб қаралди. Лекин, шунга қарамай, қоида бериш лозим топилди.

Амалдаги имло қоидалари 58- параграфининг 8- пунктида тар-кибли сонларнинг ажратиб ёзилиши кўрсатилган. Жорий этилаётган имло қоидаларининг 62- параграфида бу ҳодиса «мураккаб сон» номи билан баён қилинди, мисоллар қаторида тартиб сон ҳам келтирилди: *bir ming yetti yuz sakson beshinchi*.

Амалдаги имло қоидалари 58 – параграфининг 10 – пунктида «равишдош билан бирор феълнинг бирикиши» деб тушунтирилган ҳодиса жорий этилаётган имло қоидаларининг 58 – параграфида мустақил феълнинг кўмакчи феъл билан ишлатилиши деб тушунтирилди; амалдаги қоидаларда «кўшма феъл» деб талқин қилинган бўлса, жорий этилаётган қоидалардан бу хато тушунча чиқарилди (Асли кўмакчи феъл аналитик грамматик шакл ҳосил этишга ҳизмат қилади).

10 – пунктнинг «Аммо» қисми ҳам тўлдирилди: *bora oladi – boroladi* каби товуш ўзгаришидан ташқари, 58 – параграфда *bora ber – boraver* каби товуш ўзгариши ҳам ҳисобга олинди.

11 – пунктда «кўмакчи феъл» деб номланган ҳодисалар «тўлиқсиз феъл» номи билан 58 – параграф таркибида берилди (кўмакчи феъл билан тўлиқсиз феъл бир параграфга бирлаштирилди), бу ерда воқеа бўладиган товуш ўзгариши ва унинг имлоси ҳам биргаликда қайд этилди.

Жорий этилаётган имло қоидаларида том маънода кўшма феъл деб қаралиши лозим ҳодисалар ажратилиб, 57 – параграф сифатида берилди: *tasdiq qil, sotib ol* каби. Бу параграф янги қоида сифатида ўрганилиши керак.

Жорий этилаётган имло қоидаларининг 59- параграфи бир қарашда ортиқчадек кўринади: кўмакчиларни ҳамма вақт ажратиб ёзамиз. Лекин *bilan, uchun* кўмакчиларининг қисқа шакли (*-la, -chun*) мавжудлиги шулар учун қоида беришни такозо этади. Бу ҳодиса амалдаги имло қоидаларининг 54 – параграфида юкламаларга тиркаб кўйилган эди, жорий этилаётган имло қоидаларида 59- параграф сифатида берилди.

Жорий этилаётган имло қоидаларидаги 63- параграфда *yildan yilga* каби бирикмалар имлоси таъкидланди. Амалдаги имло қоидаларининг 57 – параграфида бундай ҳодисани Чизиқча билан ёзиш кўрсатилган. Жорий этилаётган имло қоидаларида ҳар икки қисми мустақил равишда келишик билан шаклланган бундай бирикмани ажратиб ёзиш тавсия этилди.

64 – параграфда ҳам шунга ўхшаш ҳодиса алоҳида таъкидланди: белгининг ортиқлиги шу сўзнинг ўзини чиқиш келишигида боғлаш билан ифодаланиши тилимизда бор махсус синтактик қурилма бўлиб, унинг қисмларини ажратиб ёзиш тавсия этилди: *ko'pdan ko'p, yangidan yangi* каби. Бу ҳодисанинг мисоли амалдаги имло қоидаларининг 57 – параграфида чизиқча билан ёзиб (кўпдан-кўп) кўрсатилган.

Нихоят, жорий этилаётган имло қоидаларидаги 60 – параграфда амалдаги қоидаларнинг 57 – параграфидаги 13 – пунктда берилган ҳодиса ўз

аксини топди. Амалдаги қоидаларнинг бу пунктида саналган сўзлардан *ba'zi*, *g'aygi* сўzlари ташланди: *g'aygi* сўзи ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди, демак, ўзидан кейинги сўзга қўшиб ёзилиши лозим: *g'ayritabiiy* каби. *Ba'zi* сўзини фақат *bir* сўзи билан қўшиб ёзиш хавфи бор, демак, *bir* сўзининг ажратиб ёзилишини айтсак, *ba'zi* сўзини таъкидлашга эҳтиёж қолмайди.

13 – пунктда тасвирланган олмошлар (*u*, *bu*, *shu*) қаторига *o'sha* олмоши қўшилди: *o'sha* уоққа каби. *Qay* сўзи қўшиб ёзилувчи сўзлар қаторига ўтказилди; *alla* – ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди, демак, ўз – ўзидан қўшиб ёзилиши шарт (Бу элемент қоидага киритилмади).

60 – параграфдаги янгилик шуки, *qay* сўзи у товуши билан бошланадиган сўзга бирикканда орада товуш тушиши воқе бўлиши ва натижада бу икки сўз қўшиб ёзилиши қоидалаштирилди: *qay yerda* – *qayerda* каби.

Шунингдек, қўшиб ёзиладиган сўзлар (қоидадан истиснолар) деб, *birato'la*, *birvarakayiga* сўзларидан ташқари, *birpas*, *biroz*, *birmuncha*, *buyon* сўзлари ҳам келтирилди.

Юқоридаги таҳлилдан маълум бўладики, ажратиб ёзиладиган ҳодисалар жорий этилаётган имло қоидаларида анчагина сараланди, аниқлик киритилди, тузатиш ва тўлдириш билан баён қилинди.

Бош ҳарфлар имлоси: Бу қисм имло қоидалари тўпламидаги энг катта қисмлардан бири бўлиб, амалдаги қоидаларда 10 параграфдан, жорий этилаётган қоидаларда эса 9 параграфдан иборат. Ушбу қисмда асосан икки турли ҳодисага қоида берилади: 1) атоқли отларга, 2) синтактик ҳодисаларга. Амалдаги қоидаларнинг 63 – параграфида синтактик ҳодиса тасвирланган, қолган 9 параграфида атоқли от ва унга тенглаштириладиган ҳодисалар баён қилинган. Жорий этилаётган қоидалардаги ушбу қисмнинг 7 параграфида атоқли от ва унга тенглаштириладиган ҳодисалар, 1 параграфида синтактик ҳодисалар баён қилинди, 1 параграфида эса қисқартмалар қоидалаштирилди.

Амалдаги қоидаларнинг 64 – параграфи «Атоқли отлар» деб жуда кенг бошланган. Асли атоқли от тушунчасига кейинги 8 параграфда баён қилинган ҳодисалар ҳам киради. 64 – параграфда киши атоқли отига, таҳаллусга мисол берилган; шулар қаторида мамлакат номига, жой, сув номига ҳам мисол келтирилган.

Жорий этилаётган қоидаларда кишининг исми, таҳаллуси 66 – параграфда тасвирланди; бу параграфда яна кишининг ота исми, фамилияси, рамзий атоқли оти, лақаби ҳам бош ҳарф билан бошлаб ёзилиши таъкидланди (демак, ҳодиса анча кенг қамраб олинди).

Амалдаги қоидаларнинг 64 – параграфида киши атоқли оти билан боғлиқ, айни вақтда жуда мураккаб тузилган «Эслатма» ҳам берилган. Бу эслатмада акс этган ҳодисалар жорий этилаётган қоидаларга киритилмади, чунки Ньютон қонуни кабилар сўз бирикмасига тенг, демак, умумий қоидага биноан бош ҳарф билан бошлаб ёзилаверади; ватт. наполеон кабилар атоқли отдан турдош от сифатида ўсиб чиққан, демак, ўз – ўзидан кичик ҳарф билан ёзилади; дарвинизм кабиларда эса -изм қўшимчаси билан атоқли отдан турдош от ясалган, демак, ўз – ўзидан кичик ҳарф билан ёзилади; Фарходлар

кабиларни бу эслатмада кичик ҳарф билан ёзиш кераклиги айтилган, ваҳоланки -лар қўшимчаси бу ерда атокли отни турдош отга айлантормайди, демак, бундай ишлатилган атокли отни бош ҳарф билан бошлаб ёзаверамиз: *Salimalar kelishdi* каби.

Жорий этилаётган имло қоидаларининг 67 – параграфида жой номлари берилди (Булар амалдаги қоидаларнинг 64 – параграфига киритилган эди). Ушбу параграфдаги янгилик шуки, бирикмали атокли от таркибида келадиган сифатловчи ҳам бош ҳарф билан бошлаб ёзилиши махсус таъкидланди: *Shimoliy Kavkaz* каби.

68 – параграф амалдаги қоидаларнинг 65 – параграфига муқобил бўлиб, юлдуз ва сайёралардан ташқари, бошқа осмон жисмларининг атокли оти ҳам қамраб олинди: *Tinchlik dengizi* (Ойдаги релъеф номи) каби; *yer, quyosh*, оу тўрдош отлари сайёра номи бўлиб келганида атокли от ҳолатида бўлиши ва бош ҳарф билан бошлаб ёзилиши ҳам таъкидланди.

Амалдаги қоидаларнинг 70 – параграфига хилма – хил ҳодисалар бирлаштирилган. Жорий этилаётган қоидаларда бу параграфдаги ҳодисалар икки параграфда — 69 – , 71 – параграфларда — берилди. 69 – параграфда маданий – маиший, саноат ва савдо корхоналарининг, адабиёт ва санъат асарларининг, саноат ва озиқ – овқат маҳсулотларининг, транспорт воситалари, спорт иншоотларининг атокли отлари келтирилди.

Жорий этилаётган имло қоидаларининг 70 – параграфи амалдаги имло қоидаларининг 69 –, 71 – параграфларига муқобил бўлиб, янги таҳрирда берилди ва мисоллар янгиланди.

Амалдаги имло қоидаларининг 66 –, 67 –, 68 – параграфларида тасвирланган ҳодисалар жорий этилаётган имло қоидапаридида бирлаштирилиб. 71 – параграф сифатида берилди, изоҳ ва мисоллар ҳозирги давр воқелигига мосланди. Бу параграфда халқаро ташкилотлар, давлатлар, давлат олий ташкилотлари ва мансаблари номи таркибидаги ҳар бир сўз бош ҳарф билан бошлаб ёзилиши айтилди: *O'zbekiston Respublikasi, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti, O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi, Birlashgan Millatlar Tashkiloti* каби.

Бошқа тур таркибли атокли отларнинг фақат биринчи сўзи бош ҳарф билан бошлаб ёзилиши махсус таъкидланди: *Fan va texnologiya markazi, O'zbekiston Milliy tiklanish partiyasi, Fanlar akademiyasi* каби.

72 – параграф амалдаги қоидалар 67 – параграфининг бир қисми асосида тузилди, изоҳ ва мисоллар давр талабига мослаштирилди: «*O'zbekiston Qahramoni*» каби. Амалдаги қоидалардан фарқли ҳолатда, жорий этилаётган қоидаларда орден ва нишонларнинг номи ҳам қамраб олинди. Бош ҳарф билан давлатнинг олий даражали мукофоти номи таркибидаги ҳар бир сўз ёзилиши айтилди, бошқа мукофот ва нишонлар номида эса фақат биринчи сўз бош ҳарф билан бошлаб ёзилиши таъкидланди: «*Sog'lom avlod uchun*» каби. Амалдаги қоидалардан яна бир фарқ шуки, фахрий унвонлар ҳам қамраб олинди: «*O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan fan arbobi*» каби.

Нихоят, шартли қисқартмалар ҳам бош ҳарф билан ёзилиши алоҳида, 74 – параграф сифатида берилди: *ВМТ* каби. Қисқартма таркибида буғинга тенг

кисм бўлса, унинг биринчи ҳарфигина бош ҳарф билан ёзилиши ҳам таъкидланди: ToshMI каби.

Жорий этилаётган имло қоидаларининг 73 – параграфида синтактик ҳодисалар баён қилинди. Бу параграфга амалдаги қоидаларнинг 67 – параграфи тўғри келади. Бу параграфдаги бир ҳодиса — шеърнинг ҳар бир мисраси бош ҳарф билан бошланиши — жорий этилаётган қоидаларга киритилмади, чунки амалиётда бу қоидага қатъий риоя қилинмайди: сочма шеър сатрлари бош ҳарф билан бошланмайди.

73 – параграфда гап (жумла) бош ҳарф билан бошланиши айtilди ва мисол келтирилди. Ушбу параграфда эслатмалар ҳам берилиб, мураккаб тузилишли гапнинг қисмларида бош ҳарф ишлатилмаслиги аниқ таъкидланди.

Биринчи эслатмада ҳаммага маълум синтактик ҳодиса — кўчирма гапдан кейин келган автор гапи (агар у атоқли от бўлмаса) кичик ҳарф билан бошлаб ёзилиши айtilди ва мисол келтирилди.

Иккинчи эслатмада мураккаб тузилишли гапнинг қисмлари хатбошига чиқарилиб, чизик билан ёзилса, кичик ҳарф билан бошлаб ёзилиши айtilди ва мисоллар келтирилди.

Учинчи эслатмада ҳам мураккаб тузилишли гапнинг қисмлари ҳақида фикр юритилади. Бу ерда гап қисмларини (улар хатбошига чиқарилиши ва чиқарилмаслигидан қатъий назар) қавсли араб рақами билан ёки қавсли кичик ҳарф билан номерлаб санаш кўрсатилди ва бундай номерлашдан кейин келадиган гап қисмларини кичик ҳарф билан бошлаб ёзиш таъкидланди, қавсли рақам билан санашга мисол келтирилди.

Ушбу параграфдаги 2 –, 3 – эслатмада янги қоида берилди, шу сабабли уларни диққат билан ўрганиш лозим.

Юқоридаги баёндан аёнки, жорий этилаётган имло қоидаларида бош ҳарфнинг ишлатилишига анча аниқликлар, тўлдиришлар киритилган бўлиб, уларни қунт билан ўрганиш даркор.

Кўчириш қоидалари. Жорий этилаётган имло қоидаларининг охириги қисми «Бўғин кучирилиши» деб номланган эди. Қисм номини ўзгартиришга сабаб унда бўғиндан ташқари ҳодисаларнинг ҳам камраб олиниши бўлди.

Бўғинга доир қоидалар 75 – 78 – параграфларда баён қилинди. 75– параграф амалдаги қоидаларнинг 59 – параграфига муқобил бўлиб, қоида тахрир қилинди ва мисоллар сараланди. Бўғинлар орасида келадиган тўтик белгиси (va'da каби олдинги ҳарфга тааллуқли бўлса ҳам, mash'al каби кейинги ҳарфга тааллуқли бўлса ҳам) бўғин билан биргаликда олдинги сатрда қолдирилиш таъкидланди. Ушбу қоида амалдаги имло қоидаларининг ь, ь белгилари акс этган 61 – параграфи ўрнига тузилди.

Амалдаги қоидаларда 59 – параграфнинг «Аммо» қисми сифатида берилган ҳодиса жорий этилаётган имло қоидаларида 76 – параграф сифатида берилди ва бу ҳодиса икки пунктда тасвирланди: бир ҳарфдан (шунингдек бир ҳарф ва белгидан) иборат бўғин олдинги сатрда қолдирилмайди ҳам, кейинги сатрга кучирилмайди ҳам (a – dabiʻy, e' – lon, mudofa – a каби кучирилмайди).

77 – параграфда янги қоида берилди: ўзлашма сўз бўғинлари чегарасида келган икки, уч ундош сатрдан сатрга қандай кўчирилиши таъкидланди (Бу

қоида ўзлашма сўзлаш учун берилганини унутмаслик керак): dia – gramma, in – flatsiya каби.

78 – параграфдаги қоида амладаги қоидаларининг 60 – параграфига муқобил: sh, ch, ng ҳарфлар тизмаси биргаликда кўчирилиши таъкидланди: mai – shat, si – ngil каби.

80 – параграфда рақам ва унга тегишли ҳарфий белги ажратиб кўчирилмаслиги таъкидланди: 5 – «А» sinfi каби.

81 – параграфда атоқли ва рақамдан иборат ном ажратиб кучирилмаслиги таъкидланди: «Boing – 767» каби.

82 – параграфда инициаллар фамилиядан ажратиб олдинги сатрда қолдирилмаслиги ва кейинги сатрга кўчирилмаслиги таъкидланди; шу параграфда v. b. каби шартли қисқартмалар ҳам ажратиб кўчирилмаслиги айтиб ўтилди.

Таянч тушунчалар:

- жуфт сўз, такрор сўз қисимлари, рус тилидан айнан ёки калькалаб олинган сўзлар, юкламаларининг чизиқча билан ёзилиши;
- ажратиб ёзиш қоидалари, 14 пунктдан иборат хилма – хил ҳодисалар;
- бош ҳарфлар имлоси, атоқли отлар, синтактик ҳодисалар, қисқартирмаларнинг бош ҳарф билан ёзилиши;
- бўғин, тутуқ белгиси, ўзлашма сўз бўғинлари, sh. ch. ng. ҳарфлар тизмасига оид кўчириш қоидалари.

Ақлий ҳужум учун саволлар:

1. Қандай сўзлар, чизиқча билан ёзилади, янги қоидаларнинг амалдаги имло қоидалари билан қандай ўхшаш ва фарқли томонлари бор?
2. Ажратиб ёзиш қоидалари ҳақида нималарни билиб олдингиз?
3. Қандай сўзлар бош ҳарф билан ёзилади?
4. Жорий этилаётган имло қоидаларида бош ҳарфнинг ишлатилишига қандай аниқлик ва тўлдиришлар киритилган?
5. Амалдаги қоидалардаги «Бўғин кучирилиши» деб номланган қисм нима учун «Кўчириш қоидалари» деб ўзгартирилди?

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.Т., "Ўзбекистон", 1993 йил (2.09.)
2. Янги алифбо ва имлони ўрганиш дастури. Тузувчи: Й. Абдуллаев. Т., 1996
3. Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг янги алифбоси ва имлоси. Т., "Университет" 2002
4. Рахматуллаев Ш., Хожиев А. Ўзбек тилининг имло луғати. Т., 1996
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 24 августдаги 339-сон Қарори.
6. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси таълимига доир. – “Таълим жараёнида ўзбек янги алифбоси ва миллий имлосининг муҳим муаммолари” мавзусидаги Республика йиғилишининг маърузалар тўплами. ТДИУ (Тошкент, 1996 йил, 1 – 2 – май, 3 – 4 – бетлар).

